

## **ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

### **ЙУЛЛАРИ**

Тошкент давлат транспорт университети

**Юлдашева Саодат Арислановна**

**Отаназарова Чарос Бахтиёр қизи**

**Аннотация.** Шаҳар жамоат транспорти тизимининг кучлилиги шаҳар аҳолисининг турмуш тарзига катта таъсир кўрсатади. Шаҳар жамоат транспорт тизими хизмат кўрсатиш сифати ва аҳолини ушбу хизматдан фойдаланиш миқдори кўрсаткичлари жамоат транспортида яратилган қулайлик ва афзалликларга боғлиқ.

**Калит сўзлар:** жамоат транспорти, маркетинг, кунлик, ойлик, вақтлик йўл чипталари, автобус, метро, трамвай, фуникулер, S-Bahn

**Abstract.** The strength of the urban public transport system has a significant impact on the lifestyle of the city's population. The quality of service provided by the urban public transport system and the number of people using this service depend on the convenience and advantages created in public transport.

**Keywords:** public transport, marketing, daily, monthly, time tickets, bus, metro, tram, funicular, S-Bahn

Шаҳар аҳолиси ва мамлакат иқтисодиёти кўрсаткичлари ўсиб бораётганлиги сабабли, жамоат транспорти хизматларига бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда.

Атроф -муҳитнинг ифлосланиши, атмосферага турли хил зарарли моддаларнинг чиқиши, глобал иссиқ ҳамда нафас олиш йўллари касалликлари каби ҳозирги кундаги глобал муаммоларнинг юзага келишига замин яратувчи жараёнлардан бири, автомобиллар чиқиндилари ҳисобланади. Шаҳарларда бундай ҳолатларни содир бўлишини таъминловчи асосий воситалар эса шахсий автомобилларнинг кўплиги ва жамоат транспортининг сифатли хизмат кўрсатмаслиги мисол қилиш мумкин. Жамоат транспорти шаҳар


аҳолиси ишончини қозона олмаслиги, аник вақт меъёри бўйича ҳаракатланмаслиги, доимий равишда тикилинч бўлишлиги ва бошқа шунга ўхшаш турли хилдаги сабабларга кўра шаҳар аҳолисининг шахсий автомобилларга бўлган талабини ортиб боришига замин яратади.

Шаҳар жамоат транспорти хизматини ривожлантириш, транспорт корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2022 йил 2 февралдаги “Тошкент шаҳар жамоат транспорти тизимини янада ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” ПҚ-111-сонли қарорлари ва 2022 йил 16 сентябрдаги “Шаҳар йўловчилар транспортида айрим тоифадаги фуқароларга бепул юриш ҳуқуқини берувчи имтиёзли транспорт карталарини бериш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида” 507-сонли қарорларини кўришимиз мумкин .

Жамоат транспорти ривожланишининг асосий ижтимоий-иқтисодий мақсади шаҳарларнинг хизмат бозорида транспорт хизматлари сифати ва ҳажмига ошиб бораётган эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Жамоат транспорти транспорт тизимининг энг муҳим элементи бўлиб, у шаҳар аҳолисининг учдан икки қисми учун кундалик транспорт ҳаракатини таъминлайди. Умумий фойдаланишдаги йўловчи транспорти шаҳар ва шаҳар атрофи алоқаларида аҳолининг иш ва маиший саёҳатларининг 85% дан ортиғини таъминлайди.

Жамоат транспортини жаҳон иқтисодий форуми ([www.weforum.org](http://www.weforum.org)) сайтида 2023 йил таҳлил натижаларига кўра дунё бўйича жамоат транспорти энг ривожланган шаҳарлар эълон қилинди. Тадқиқот давомида дунёнинг 10 та йирик шаҳарларининг транспорт тизимлари ўрганилди. Бунда жамоат транспортининг кай даражада мавжудлиги, бекатлар, станциялар, шунингдек, шаҳар электрчкалари учун темир йўл инфратузилмаси каби мезонлар ҳисобга олинди. Ушбу тадқиқотлар натижасига кўра дунёдаги энг яхши жамоат транспорти тармоғи Гонконгда бўлиб, 100 дан 77 фоиз балл олган. Стокгольм

иккинчи, Цюрих учинчи ўринни эгаллаган. Рейтингда энг охирги ўринларда Лондон (10-ўрин), Берлин (9-ўрин) ва Париж (8-ўрин) жойлашган.



### **1-расм. 2024 йилнинг топ-10 талик жамоат транспорти ривожланган шаҳарлар**

1. Гонконг. Биз отказган тадқиқот натижаларига кўра Гонконг дуне микесиди энг яхши жамоат транспорт системасига эга давлатлар ўртасиди 1-ўринни эгаллади. Гонконгдаги жамоат транспорти жуда хилма-хиллиги (қуруқлик, эр ости ва сув), фойдаланиш қулайлиги, ва ҳамма жойда мавжудлиги билан ажралиб туради. Ҳар бир жамоат транспорти бекатида ва метро бекатида маршрутлардан ўтиш учун тарифлар ҳақида маълумот мавжуд. Йўл ҳақи масофага, ташувчи компанияга ва транспорт қулайлигига қараб белгиланган. Жамоат транспорти учун тўловнинг уч тури мавжуд:

1. Бир марталик йўл ҳақи учун чипта-йўловчиларга хизмат кўрсатувчи барча касса ва автоматлардан харид қилиш мумкин;

2. Octopus номли карта билан тўлов

Тўлов тизими чиқишда ва тушиш жараёнида амалга оширилади. Чиқаётганда ва тушаётганда билет турникетдан ўтказилади ва шу тариқа тўлов амалга оширилади.

2. Цюрих. Юкоридаги жадвалга кўра Цюрих энг яхши жамоат транспортига эга мамлакатлар рейтингида 2-ўринга чикди. Маҳаллий ҳукуматлар Цюрихда шаҳар транспортини иложи борица экологик тоза қилишга ҳаракат қилишди, шунинг учун асосан троллейбуслар ва трамвайлар шаҳар марказида ишлайди. Швецариянинг ушбу шаҳридаги автобус <https://newarticle.uz/index.php/dihmy>

йўналишлари эса шаҳар атрофида, шунингдек, чекка ҳудудлардан ўтади.

Цюрихдаги транспортни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- анъанавий (автобуслар, троллейбуслар, трамвайлар);
- ноанъанавий (фуникулёрлар ва S-Bahn поездлари).

Цюрихда метро йўқ. Бунинг ўрнига S-Bahn поездлари шаҳар бўйлаб ҳаракатланади, улар трамвай ва метро поездларининг ўзига хос гибридидир. Цюрих марказида бу поездлар ер остида ҳаракатланади, бу эса уларни метро поездларига ўхшатади. Шаҳарни тарқатиб, улар шаҳарлараро поездларга айланишади.

3. Стокгоlm. Европанинг энг қулай ривожланган транспорт системаси ҳисобланади. Шаҳардаги барча жамоат транспорти автобуслар, метро, трамвайлар ва шаҳар атрофи поездлари Storstockholms Lokaltrafik давлат компанияси томонидан бошқарилади. Стокгоlmдаги жамоат транспорти қатъий жадвал асосида ҳаракатланади.

SL Access-kortet/SL Access card бу Стокгоlm транспортда саёҳат учун тўлашнинг универсал усули. Картанинг ўзи 9,8 доллар туради, аммо кейин уни тўлдириш мумкин. Картанинг амал қилиш муддати 6 йилгача. Картани чипталар кассаларида, SL савдо автоматларида ва мобил иловада харид қилиш мумкин. У эрда сиз ҳисобингизни тўлдиришингиз ва балансни билиб олишингиз мумкин.

Турли хилдаги шаҳарларнинг жамоат транспорти турлари, улардан фойдаланиш методлари, тўлов тизимлари хилма-хиллиги билан ажралиб турибди.

Шаҳардаги тирбандлик ривожланган давлатлар олдида турган энг катта муаммолардан биридир. Юқорида ўрганиб чиқилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб шаҳар жамоат транспортини ривожлантириш, ундан фойдаланувчилар сонини ошириш, сифатли хизматни таклиф қилиш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- Шахарда хизмат кўрсатувчи замонавий автобуслар (экологик тоза маҳсулотдан фойдаланувчи) сонини ошириш;
- Шахарда трамвай хизматини жорий қилиш;
- Жамоат транспортидаги тирбандликларни камайтириш;
- Жамоат транспорти ҳаракат вақтини доимий равишда бир хиллаштириш (а пунктдан б пунктга бориш учун сарфланадиган вақт доим бир хил бўлиши лозим);
- Янги тўлов тизимларини амалиётга тадбиқ этиш керак;
- Йўл бўйларида енгил автомобиллар тўхташини тақиқлаш тизимини жорий қилиш;
- Шахар аҳолиси орасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиб аҳоли хоҳиш-истакларини ўрганиш ва шунга қараб жамоат транспортини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мартынов Д.А., Регулирование качества обслуживания населения автобусным транспортом в регионе. Москва 2013й.
2. Юлдашева, Саодат Арислановна, Бобур Бахтиёрович Гиёсидинов, and Одил Бурибоевич Эгамбердиев. "АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ, ВЛИЯЮЩИХ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ ПРЕДПРИЯТИЯ." *INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE* 1.6 (2022): 102-107.
3. Юлдашева, Саодат Арислановна, Бобур Бахтиёрович Гиёсидинов, and Одил Бурибоевич Эгамбердиев. "ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЕМ." *INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE* 1.6 (2022): 118-123.
4. Юлдашева, Саодат Арислановна, Бобур Бахтиёрович Гиёсидинов, and Одил Бурибоевич Эгамбердиев. "ЭКОНОМИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ ИНВЕСТИРОВАНИЯ В СОЦИАЛЬНО ЗНАЧИМЫЕ СФЕРЫ." *INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE* 1.6 (2022): 133-137.